

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 178 (3150).

11

сентябрь

ШАНБА

1965 йил

Баҳоси 2 тийин.

ТЕРИМ СУРЪАТИНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК! МУСОБАҚАДОШЛАР

Кундан-кунга «Октябрь» колхозининг пахтазорларида чевар теримчилар сафи кўпайиб бормоқда. Қайси бригадани бормане нормасини ошириб бажарётган теримчиларни кўриб қувонасиз. Чеварлар социалистик мусобақани кучайтириб пахта тайёрлаш лавини тезроқ бажариш учун ҳаракат қилишяпти.

Колхозда Қ. Умрзоқовани тақимайдиган киши йўқ, деса бўлади. У пахтани тез теришда ном чиқарди. Қазия, Мария, Тўғрбеова билан мусобақадор. Улар ёнмаён пахта териб илгорликни қўлдан беришмапти. Улар ишга барвақт

чиқиб, кеч қайтаётганликлар ва ҳар бир соатдан тўғри фойдаланётганликларини сабабли кунига 50 ўрнига 100—120 килограммдан «оқ олтин» теришяпти.

Ўртоқ Серкабой Риббеков бошлиқ бригада аъзолари Қазия ва Мария каби пахтазор юлдузларидан ўрнат олиб суръатга — суръат қўйишмоқда. Серенгул Минелибова, Рашид Тожиева, Ойғўқин Рисметова каби теримчилар кўнлик нормаларини 2 ва 2,5 баравардан бажармоқдалар. Шу сабабли ҳам бригадани терим графиги ошириб бажарилмоқда.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам теримчиларнинг баракали меҳнат қилишлари туфайли кейинги ҳафтада суръат яна ҳам жадаллашиб кетди.

С. МИРЗАЛИЕВ,
Оржоникидзе райони.

Пахта сифатли бўлсин

Писент ва Тошкент пахта тозалаш заводларининг коллективлари пойтахт асосида биринчи бўлиб, янги ҳосил пахтасини қайта ишлашга киришди. Бу йилги мавсумда ана шу корхоналарда пахта қайта ишлашнинг тақомиллаштирилган схемаси жорий қилинди — қуриш-тозалаш пехлари ягона технология процессига қўшилди.

Тошкент заводида янги технология асосида олинган дастлабки толадаги нуқсонлар бир ярим процент ва ҳосилни қуришда сарфланадиган меҳнат 15 процент камайтирилди. Обастдаги тўққиз пахта тозалаш заводидан еттигача бу мавсумда янги технология схемасини жорий қилишди. Бу ҳосилни қайта ишлаш қувватини 10 процент ошириш имконини беради. (ЎЗТАГ).



КАТТА ХИРМОННИ КЎЗЛАВ

Областимиз пахтакорлари бўналик механизаторларнинг ва-танпарварлик ташаббусини ҳамма жойда қўллаб-қувватламоқдалар. Машина теримининг кўлланини кенгайтиришда аҳд қилган механизаторлар бўналиклар белгилаган тадбирлар асосида машина теримига ҳар томонлама пухта тайёрларлик кўрмоқдалар. Бунинг «Чанок» совхозининг илгор бўлиқлари ва аъзолари ҳисобидан ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳўжалининг ўртоқ Э. Дошёрв бошлиқ 3-бўлими механизаторлари бу йил камидан 80 процент майдондаги ҳосилни «зангори кема»лар билан йиғиб-териб олишга сўз беришган. Ҳозир Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Холиқберди Эгамбердиев, уста механизаторлардан Абдуназар Валиев, Исмаилов Жумабоев сингари ўртоқлар бошлиқ қилаётган тўққоқи аъзоларнинг аъзолари машина теримига ҳамма нарсани тахт қилиб қўйди. Пайкалар бегона ўтдан батамом тозаланган. Сувчилар охириг суз қўйишда ишнинг кўзини билиб тадбир кўраётганлари туфайли ағатлар ўйинмаган, машина раvon юра олади. Бу эса «зангори кема»нинг унумли ишлашида, пахтанинг тоза терилишида, ҳосилнинг ерга тўқилмаслигида катта аҳамиятга эгадир.

Ўз «зангори кема»ларини пухта ремонтдан чиқариб, дала бошларига олиб чиқиб қўйган азамат механизатор—зено бошлиқлари бу йил эл хирмонида 100—150 тоннадан «оқ олтин» тўқилиши мўлжалламоқдалар.

А. ГОФУРОВ.

ЧЕВАР ТЕРИМЧИЛАР

Писентдаги «Гулистон» колхозининг аъзолари терим суръатини кундан-кунга кучайтирмоқдалар. Бу ерда кунига йиллик лавининг 1,5 проценти миқдорда «оқ олтин» жўналиб турибди. Жуда кўп бригада ва аъзоларда кундалик терим нормаси 2,5 процентдан бажарилмоқда.

Колхоз правленияси кўпмингкилограммчилар сафини кенгайтиришга жиддий аҳамият бермоқда. Иормасини ошириб бажарётган чеварлар раёбатлантирилди. Нарима Султонова, Нишор Қўшмонов, Ҳикоят Раҳматуллаева, Зўҳра Асатова каби унбешмингкилограммчилар кунига 160—180 килограммдан пахта териб бошқаларга ўрнак бўлтилар.

Даладаги ҳосилни йиғиштириб олиш ва давлатга топширишда Т. Фахратов, А. Эргашев, Ф. Ҳамроқовлар ўртоқлар бошлиқ бригадалар пешқадамлик қилмоқдалар.

Х. НОРМАТОВ.

315 минг ТОННА ПАХТАСИ

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 10 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ
(Планга нисбатан процент ҳисобида: биринчи устун—районлар;
иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун —
мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — гўза дефолнацияси)

Оржоникидзе	3.35	17.36	11.0
Юқори Чирчиқ	1.81	8.58	45.4
Калинин	1.46	6.42	23.0
Ўрта Чирчиқ	1.07	6.27	67.2
Бўна	1.06	6.12	62.0
Янгиёул	0.88	4.31	44.5
Бекобод	0.71	3.38	25.1
Оққўрғон	0.71	3.03	66.7
Область бўйича	1.11	5.59	53.2

10 сентябрғача республикамиз областларида қуйидагича пахта тайёрланди (планга нисбатан процент ҳисобида): Қашқадарь — 27.51; Бухоро — 18.85; Сурхондарь — 12.05; Фарғона — 11.54; Андижон — 8.87; Тошкент — 5.59; Самарқанд — 4.49; Қорақалпоғистон АССР — 3.22; Хоразм — 3.17; Сирдарь — 1.16.

10 сентябрғача гўза бағрини дефолнация қилиш қуйидагича бўлди. (Тошхирқа нисбатан процент ҳисобида): Тошкент — 53.16; Қашқадарь — 33.18; Сурхондарь — 27.97; Қорақалпоғистон АССР — 26.80; Сирдарь — 25.89; Фарғона — 17.32; Хоразм — 15.84; Бухоро — 12.97; Самарқанд — 10.17; Андижон — 6.71.

А. Малиеве фотоси.

ДҲР ТЕРЯНТИ


Ез бўйи сабрсизлик билан кутилган кунлар келди. Деҳқонларнинг чинакам ҳосил тўйи бошланди. Ерга чигит қадашдан тортиб, кўсақлар пишиб етилганча тер тўққанлар эндиликда дўр теришяпти. Кундан-кунга хирмонда барака қўйишяпти. Ўртоқ М. Илҳомова ҳам «оқ олтин» учун бошланган умумхалқ кўришнинг бир жонқўр «жанчиси». У мавсумда камидан 7 тонна пахта теришга аҳд қилгани ҳада дўгоналари билан бир сафда

бораляпти. Бугун кечадиган кўпроқ хирмон ўйган бўлса, эртага бугунгидан кўпроқ пахта териш мўлжаллаляпти.

Бўна райониди «Ленин йўли» колхозининг 2-бригадасида ўртоқ М. Илҳомова сингари моҳир теримчилар оз эмас. Улар суръатга суръат қўйиш, бригаданинг мавсуми бажариб олиш кўлишини таъминлаш чораларини кўришяпти.

Суратда ўртоқ М. ИЛҲОМОВА.

А. Малиеве фотоси.



ДҲСТОНА МУЗОКАРАЛАР

9 сентябрда Кремада КПСС ва Совет Ҳукумати раҳбарларининг Руминия Социалистик Республикаси партия-хукумат делегацияси билан музокаралари давом эттирилди.

Музокараларда совет томонидан: КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Рамси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. Н. Шелепин, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ю. В. Андропов ва бошқалар қатнашди.

Руминия томонидан музокараларда: Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Николае Чаушеску, Руминия Компартияси Марказий Комитети Доимий Президиумининг аъзоси, Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Советининг Рамси Ион Георге Маурер, Руминия Компартияси Марказий Комитети Доимий Президиумининг аъзоси, Руминия Социалистик Республикаси Министр-

лар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Георге Апостол, Руминия Компартияси Марказий Комитети Доимий Президиумининг аъзоси, Руминия Социалистик Республикаси Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Александру Врелдэну, Руминия Компартияси Иккунча Комитетининг аъзоси, Партия Марказий Комитетининг секретари Николеску-Минил, Руминия Компартияси Марказий Комитетининг секретари

Манья Мэнеску ва бошқалар қатнашди.

Қардошларча, дўстлик, ҳамжиҳатлик ва самимийлик вазиятида ўтган музокаралар вақтида совет-руминия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, ҳозирги халқаро аҳволнинг ҳамда жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг актуал проблемалари устида фикрлаш давом эттирилди. (ТАСС).

Руминия Социалистик Республикасининг элчихонасида қабул маросими

МОСКВА, 9 сентябрь. (ТАСС). Бутун Руминия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари Ўртоқ Николае Чаушеску ўзи бошчилиги қилаётган Руминия Социалистик Республикаси партия-хукумат делегациясининг Совет Иттифоқида расмий сафар қилиб юрганлиги муносабати билан Руминия Социалистик Республикасининг СССРдаги элчихонасида қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Л. И. Брежнев, А. Н. Косигин, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов ўртоқлар ва бошқа расмий кишилар бўлишди.

Меҳмонлар орасида СССРдаги чет эл дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари, Совет ва чет эл журналистлари бор эди.

Қабул маросимида Руминия Коммунистик Партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Николае Чаушеску ва КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Рамси А. Н. Косигин нутқ сўзладилар.

«ЧАЙКА» ЎЗБЕКЛАР ДИЁРИГА КЕЛДИ



Максим Горький номидаги Бадний академик театри артистлари пойтахтимизга ташриф буюрдилар. Суратда: меҳмонларни Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти.

А. Палехов ва В. Сироткин фотоси.

Ушкан санъатининг порлоқ «Чайка» — Максим Горький номидаги Москва Бадний академик театри ўзбеклар диёрига келди.

Кўёш ёғду сочиб турган туш пайтида азиз меҳмонларга Тошкент аэропортида бутун Ўзбекистон пешвоз чиққандек бўлди.

Тошкент машҳур театр артистларини ранг-баранг аралаш, карнай-сурнайлар, гулдастлар билан, дала ва боғларда еттиган ноз-неъматлардан тузилган дастурхон билан табриқлаб кутиб олди.

Чор атрофда шох-хўррамлик, хушнудлик, самимият кайфияти ҳукмрон эди. Болаларнинг жарангдор овозида ҳам, қиз-гин қарсақларда ҳам машҳур сахна устодларининг талантини

хурматлаш ва эъзозлаш ҳисси ифодаланган эди.

Москва Бадний академик театри коллективини СССР халқ артисти Олим Ҳўжаев, Тошкент шаҳар ижрония комитети раисининг ўринбосари С. Раҳматуллаев табриқладилар. СССР халқ артисти Н. М. Кедров бутун театри коллективни номидан гапириб, театрининг республика пойтахтига ўзининг энг яхши спектаклларида кўпларини, мамлакатимиз театрлари сахнасида ва чет элларда кўп йиллардан бери кўрсатиб келаётган спектакллариини олиб келди, деб айтди.

Тошкентликлар эртагидек театр залларида Москва Бадний академик театри спектакллариини кўришлари мумкин. (ЎЗТАГ).

ЧЕХОСЛОВАКИЯЛИК ДҲСТЛАР МИНСКДА

МИНСК, 9 сентябрь. (ТАСС махсус мухбири). Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Антоний Новотный бошчилигидаги Чехословакия Социалистик Республикасининг партия давлат делегацияси Горькийдан бутун совет Белоруссияси пойтахтига келди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. В. Подгорный ва бошқа совет расмий кишилари чехословакиялик дўстлар билан бирга Минск меҳнаткашлари ҳузурига меҳмон бўлиб келдилар.

ГДР делегациясининг СССРга сафари тўғрисида

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукуматининг тақлифига биноан, Германия Вирлашган Социалистик Партияси Марказий Комитетининг

биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгазининг раиси Ўртоқ Вальтер Ульбрихт бошчилигида Германия Демократик Респуб-

ликасининг партия-хукумат делегацияси шу йил сентябрь ойининг иккинчи ярмида расмий лавит билан Совет Иттифоқида келди.

САХНА ЮЛДУЗЛАРИ

С А Н Ў А Т Б А Й Р А М И

Дилрабо, сахия куз фаслининг тўки, маъмур, олтин палласида элимизда улкан санъат байрами ўтказилмоқда. Жаҳонга донги кетган кўш орденли СССР Бадий академик театри коллективни дубинининг азиз меҳмонлари бўлиб келди. Устоз санъаткорларнинг республикасининг гўзал пойтахти, жонажон Тошкентда спектакллар кўрсатиши шаҳримизнинг маданий ҳаётида катта воқеалар.

Мамлакатимизнинг иттифоқчи республикаларида, шу жумладан қўшн, жонажон Ўзбекистонимизда қардош халқлар алабети ва санъат декадлари ва ҳафталикларининг ўтказилиши шонли традицияга айланган. Сўнгги йилларда республикамиз меҳнаткашлари қардош Россия ва Украина халқлари маданиятининг машҳур вакиллари зўр тантаналар билан кутиб олдилар, уларнинг ижодий ютуқлари ва юксак бадий маҳоратлари билан яқиндан танишдилар.

Тошкент театрларида ва томоша залларида СССР Бадий театрининг ёрқин юлдузлари Майя Плисецкая, Павел Лисицкий,

Галина Вишневскаялар, Ленинград опери ва балет театрининг етук артистлари Ирина Колпакова, Владимир Семёнов, қардош Украина халқининг машҳур санъаткорларидан СССР халқ артисти Дмитрий Гнатюк, республика халқ артистлари Владимир Тимохин, Зоя Христин, Валентина Калиновская, Евгения Мирошниченко ва бошқалар элимизда ўз санъатларини намоён қилиб, халқимизни ҳушуд ва хурсанд этдилар.

Умумийтифок маданий меросимизда ноёб дурдоналар билан бойлаётган улкан талантларнинг тажриба ва маҳорат мактабларидан баҳраманд бўлиш санъат ва адабиёт аҳлиларининг азгу ҳислатидир. Мамлакатимизда халқимиз орасидан етишиб чиқаётган талантлар бир-бирига устоз, бир-бирларига шогирдлар. Улар ўз санъатлари, билимлари ва ижодлари билан коммунистик жамият қураётган халқимизга хизмат қилдилар. Дарҳақиқат адабиёт ва санъат халқникидир. Унинг вакиллари ҳам халқимизнинг маданий ҳаёти-

да катта тарбиявий роль ўйнаши нафосат ва гузаллик мураббийларидир.

Қардош халқлар санъатининг ривожланишида, миллий театр кадрларининг камол толишида Москва Бадий академик театри ижодий коллективининг хизматлари бениҳоя каттадир. Бепойн мамлакатимизнинг қайси бир жойига, қайси бир театрга борманг, у ердаги санъаткорлар, томошабинлар бу машҳур санъат даргоҳининг меҳрибон устозлари ҳақида, улардан олган унутилмас аjoyиб эстетик таассуротлар ҳақида фахр билан қувониб сўз юритадилар.

Бизнинг севимли ҳаммаи санъаткорларимиз ҳам МХАТ таълимотларини асло унутмайдилар, уларни ўз устозлари деб биладилар.

Ўзбек совет санъатининг барпо этилишида, унинг чинакам ҳаёт кўзгусига айланишида СССР Бадий академик театри улкан мактаб бўлди.

Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драмтеатрининг асосчилари Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Абдор Хидоятловдан бошлаб, то ҳозирги ёш талантларга қадар МХАТ мактаби таълимотларидан баҳраманддилар.

Атоқли санъаткорларимиздан СССР халқ артистлари Шукр Бурҳонов, Олим Хўжаев, Сора Эпонтўраева, Наби Раҳимовлар ўз санъат йўллари ҳақида сўз юритар эканлар, шунингдек Ҳамза номли театр коллективининг ижодий муваффақиятлари ҳақида гапирар эканлар, энг аввал Москва Бадий академик театри коллективининг кўрсатиб келётган ижодий ёрдамларини тилга оладилар. Москвада, бу улкан санъат даргоҳида ўқиганликларини, у ердан санъат оламини йўлга олишларини зўр ифтихор билан сўзлайдилар.

Ҳамза номли театр коллективи, шунингдек республикамиздаги бошқа театрларнинг ижодий коллективлари МХАТ санъаткорларини ўз устозлари деб биладилар ва улар билан

ижодий алоқалар боғлаб, санъат маҳоратларини юқори поғоналарга кўтариб келадилар.

Москва Бадий академик театри совет театрининг отахони, унинг ижодий лабораториясидир. Совет театрининг ўзмас сахна асарлари, совет драматургиясининг классик намуналари энг аввало бу машҳур театр сахнасида бўлиб келган, ундан сўнг ҳаётга йўланма олган.

К. С. Станиславский ва В. И. Немирович-Данченко асосчилари бўлган Москва Бадий академик театрининг ташкил бўлишига олтин йилдан охири кетди. Россия маданиятини Пушкин, Толстой, Чехов, Горький, Глинка, Чайковский ва Мусоргскийнинг тасаввур этиб бўлмаганидек, уни Москва Бадий академик театрисиз, Станиславский ва Немирович-Данченконинг ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Бу театр даргоҳида Россия санъатининг, совет санъатининг оламга танитган, ўзининг бекиёс, олмас талантлари билан ҳаммаи қойил этиб келётган улкан талантлар етишиб чиқди ва уларнинг анги аjoyиб авлодлари етишиб чиқмоқда.

Рус классик ва чет эл драматургиясининг энг яхши намуналари Бадий академик театр репертуарларини ташкил этиб келди. Бу театр коллективни Чехов ва Горький билан доимий ижодий алоқа боғлаб келди. Бу буюк сўз устозларининг пьесалари Бадий театр сахналарида томошабинларга биринчи марта кўрсатилди. МХАТ сахнасида совет драматургиясининг энг яхши асарлари ўзларининг илк сахна ҳаётларини бошлади.

Москва Бадий академик театри шонли тарихга эга. Бу театр 1898 йилда А. К. Толстойнинг цензура томонидан 30 йилдан ортиқ таъқиқлаб қўйилган трагедиясини сахнага қўйиш билан ўз фаолиятини бошлади. Унинг дастлабки спектаклларида бири Чеховнинг «Чайка» пьесаси бўлди. Бу пьеса кўрсатилиши билан Москвада, умуман Россияда янги, реалистик сахна коллективи бўлиб келди.

Бадий театр ташқи, ялтироқ кўринишларга берилиб кетмади, томошабинлар кўзи олдида бу театр оддий халқ ҳаётининг жонли, реал, таъсирли ийжиёсис бўлиб кўринди. Театр коллективни ўтмиш даври ҳам, ҳозирги даври ҳам у қандай нафас олаётган бўлса, ўшандай ҳолатда кўрсатишга ҳаракат қилди ва бу йўлда буюк маҳорат чўқиларида эришди.

Улуг Октябр социалистик революцияси мамлакатимиз санъат ва адабиётининг тез суръатлар билан равиқ топишига кенг йўлар очиб берди. Москва Бадий театри коллектив ҳам ўзининг шонли реалистик традициясини давом эттириб, ўз фаолиятини юксак чўқиларга кўтарди, совет санъати йўлида катта хизматлар кўрсатди.

Театр коллективни совет адабиётининг асосчиси Максим Горький билан, шунингдек Николай Погодин, В. Вишневский, А. Корнейчук, Б. Лавренев ва бошқа атоқли драматурглар билан яқиндан алоқада бўлиб, аjoyиб сахна асарларини томошабинларга кўрсатиб келди.

Москва Бадий театрида машҳур сахна арбобларининг бир қанча авлоди тарбияланиб, камол топди. Бу театр сахналарида ўз фаолиятини бошлаган В. Качалов, И. Москвин, Н. Хмелев, О. Андронская, М. Яшин, Л. Гринёв, А. Тарасова, Б. Ливанов ва бошқа ўзбек артистларининг номи бутун дунёга машҳур, рус санъатининг ифтихори ҳисобланадилар.

Машҳур театр коллективининг Тошкентга келиши ва томошабинларга ўн кун мобайнида ўзларининг энг яхши спектаклларини кўрсатиши элимизнинг маданий ҳаётида катта воқеадир. Шунинг учун тошкентликлар театр коллективини зўр тантаналар билан кутиб олиб унинг спектаклларини кўришни ортиқчи кўтмоқдалар. Москва Бадий академик театри коллективни шаҳримизга меҳмон бўлиб келиши биз учун катта байрамдир. Шунинг учун ҳам элимиз: «Хуш келибсиз, устоз санъаткорлар!» — демоқда.

ЙЎЛИНГИЗГА ГУЛЛАР ПОЁНДОЗ

Ш. БУРҲОНОВ,
СССР халқ артисти.

«Санъатнинг бундан кейинги тарқиқоти учун мустаҳкам замин яратиш керак. Сен ўзининг санъатда эмас, балки ўз руҳингда санъатни севишинг керак. Кўп образ яратиш учун эмас, балки сифатли кишини учун иштиёқинг керак. Ролнинг ҳажми эмас, балки артистнинг ўша ролни тайёрлагандаги машаққатлари... билан артистнинг ўрни баҳоланади».

Санъаткорнинг юрагига бориб етувчи, уни истиқболга бошловчи бу сўзларни биринчи бор минг тўққиз юз ўттинчи йилда улуг Ватанимизнинг пойтахти — Москвада эшитганим. Уни рус санъатининг фахри, революциядан илгариги Россияда демократик маданият мактаби тасмол бўлган Москва Бадий академик театрининг асосчиларида бири К. С. Станиславский эътибор эди.

Чиндан ҳам К. С. Станиславский улкан қалб эгаси эди. У ва у тарбиялаб, таълим бериб камолотига етказган Бадий театрининг йирик намуналари ўзларининг етук талантлари, юксак қобилиятлари, мисли қўйилмаган маҳоратлари билан Россиягагина эмас, бутун жаҳонга танилган эдилар.

Улуг Октябр социалистик революциясидан кейин Бадий театр учун янада юксак поғонага кўтарилиш йўли, порлоқ ва равиқ йўл очилди. К. С. Станиславский билан унинг касбдоши ва дўсти В. И. Немирович-Данченко раҳбарлиги қилган, революциядан илгари қўйилган ижодий сўмоқларини, машаққатларини бошдан кечирган театр энди гуллаш даврига кирди.

К. С. Станиславский ва В. И. Немирович-Данченко системасининг бой имкониятлари ўзининг бутун тўлақонлиги билан намоён бўла бошладилар. Бадий театрининг аjoyиб санъат устозлари жаҳон театр маданиятида реализмнинг мустаҳкам таянчи, буржуа санъатдаги сийқа, рангсиз зарарли оқимларнинг аёвсиз душмани бўлиб қолдилар.

Биз Бадий театрини ва унинг жаҳонни қойил қолдирган санъат устозларини ўзимизнинг мураббийимиз, таълим-тарбия бериб, баалоғатга етказган устозимиз деб биламиз.

Мен ўттинчи йилларда Москвада бўлиб, жаҳон ёшлари олимпиадасида қатнашганимда ҳали ёш эдим. Санъатга бўлган муҳаббатим, иштиёқим бекиёс бўлса-да, ҳали унинг муркаб ва ниҳоятда нозик товларини билмасдим. Минг тўққиз юз ўттинчи йил эса, меннинг ҳаётимда янги саҳифа очди. Санъатнинг янги наҳа манзароларга йўллади. Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек Давлат академик театри Москвада дедадага борганида мен ҳам дўстларимнинг сафида эдим. Ана ўшанда биринчи бор

театр маданиятининг ўчоғи МХАТ нинг кенг сахнасида чиниш шарафига мўъассар бўлдим. Вильям Шекспирнинг «Гамлет» трагедиясида Горацио, Кюмил Яшиннинг «Номус» ва муҳаббат» пьесасида Гузлом ролини ижро этдим. Ана шу кунлар ҳеч қачон хотирамдан чиқмайди. Устозлар Ўзбек санъатининг муваффақиятларини таъриқлашди. Камчиликлари, мизини рўйи-рост айтишди. Йўл кўрсатинди. Мен шунда МХАТ нинг ички дунёси билан, санъат устозларининг зўр маҳоратлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдим. Менда Хмелев ва Добронравов, Гринёв ва Кедров, Ливанов ва Смирнов наби санъат машаққатлари яратган катор порлоқ образлар битмас-туганмас ҳаяжон ва ғумас хотира қолдирди. Улуг инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг «Гамлет» трагедиясида айтган «Сўзинг ижодия ҳаракатинг, ҳаракатинг сўзинга мосла» деган доно сўзи МХАТ сахнасида ўзининг бутун тўлақонлиги билан сингиб кетганлигини чуқур ҳис этдим. Ана шунда Ўзбек театрининг буюк трагик актери Абдор Хидоятлов жаҳонга машҳур артист Леоновнинг юксак ижодий маҳоратида қойил қолди. Ундан ўрганишга иштиёқ билаларди. Дўстим Наби Раҳимов Москвин билан Яшиннинг ўзига чинакам устоз, деб билди.

Шуни очик эътироф қилиш керакки, театримиз биринчи бўлиниги катта бир авлоди Москвада таълим олган, К. С. Станиславскийнинг мактабини ўқиган, унинг системаси жаҳон санъатининг, театр санъатининг реалистик актрёлик намунасини Ўзбекистонга олиб келган. Маннон Уйғур ва Етим Бобожонов раҳбарлигидаги ёш Ўзбек актрёлари К. С. Станиславский таълимоти билан кўрроланиб, МХАТ нинг маҳорат мактабидан ўрганиб, эндиликда етук сахна усталари бўлиб етишдилар. Абдор Хидоятлов, Сора Эпонтўраева, Олим Хўжаев, Лутфулла Назруллаев, Наби Раҳимов, Саъдиҳон Табибуллаев, Сайфи Олимов каби қатор Ўзбек драма сахнасининг юлдузлари МХАТ нинг камол топ босқичига кўтарилган актрёларини ўзларига устоз деб биладилар. СССР халқ артисти Олим Хўжаев ҳақли равишда: «Москвада кўп марта бўлиб театрининг неча-неча спектакллари кўрдим. Максим Горькийнинг «Душманлар», Лев Толстой

тойнинг «Анна Каренина» ва «Маърифат самаралари» асарлари менда аниқсиз ўчмас таас сурот қолдирди. Шу пьесаларда ўчмас образларни яратган Василий Иванович Качалов, Николай Павлович Хмелев, Василий Осипович Топоров меннинг энг севимли актрёларим бўлиб қолди. Качалов ижодидан рус айтилилари образларига берилган лирик бўёқ, бу образларнинг фикрлаш кучи мени қойил қолдирди. Улуг артистнинг нутқидаги мусикилик, ҳаракатларидagi аjoyиб ваъжлик мени бутунлай ўзга бир оламга олиб кирди» дейди. Мен ҳам худди сахнадошим Олим Хўжаевнинг юрак сўзларига қўшилиб, Бу артистлар Станиславский мактабини ўқиганларидек, театрлар таълим олади. Бизнинг академик театримиз ҳам МХАТ мактаби билан чамбарчас боғланиб.


Минг тўққиз юз эллик тўққизинчи йил меннинг ҳаётимда яна бир унутилмас йил бўлди. Декадада шу устоз МХАТ театри сахнасида Чеховнинг «Ваня тоғаси» сини ролини ўйнади. Дастлаб, чиндан ҳам ҳаяжонландим. Нечт деганда, томошабинлар катта устозлар ўтиришибди. Улар бизга муваффақият тилаш билан бирга таллабчан, ҳар бир образнинг қандай таъдиди этилишига синчиладилар назар ташлайдилар. ҳар бир сўз таллашфузи ва ҳар бир ҳаракат йўналишини эътибордан четда қолдирмайдиган етук кишилар.

Спектаьль тамом бўлганида менга театрининг бадий раҳбари қақираётганини айтишди. К. С. Станиславскийнинг энг яхши шогирдларидан бири М. Н. Кедров мени самимий кутиб олди. Раҳмат, яратган образингиздан қаноат ҳосил қилдик. Чехов ҳам «Ваня тоғаси»ни худди ана шундай кўриниш истади, деди. Кейин у кўраганимга МХАТнинг 60 йиллиги эътиборини ташкил қилди, деди ҳам театримиз биланнинг аъзосисиз, деб таъриқлади. Бу кутлов, бу ишонч учун устоз Кедровга қандай жавоб беришимни билмай қолдим.

Мен МХАТ сахнасида Владимир Ильич Ленинни кўраганим. Николай Погодиннинг «Учинчи патетик» спектаклида улуг дохи сиймосини машҳур актрё В. Смирнов яратган. Қандай ёрқин, қандай йўқини ва реал яратилган бу образ. Мен ҳам ўз театримиз сахнасида шу ролни ижро этганим. Бунда Смирновнинг маҳорати менга дастур бўлган. Бундай мисолларни ўйлаб кетишни мумкин. МХАТ нинг Англия ва Японияда, Франция ва АҚШ да ҳам ўз шукратини қолдирган актрёлари ҳақида, уларнинг буюк ижодий йўли ҳақида, уларнинг устозлик маҳорат мактаби ҳақида қанча ҳийо қилсанг шунча оз.

Бугун Ўзбек халқи шоду-хуррамлик билан серкуёш республикамизга ўзларининг бой санъат меросини олиб келган Москва Бадий академик театри артистларини кутиб олаётган. Йўлингизга гуллар поёндоз устозлар, деб биз уларга таъзим қиламиз, Республикада биринчи марта ўтказилаётган МХАТнинг гастролга Ўзбек томошабинларига битмас-туганмас заъи-шаъв бўлишлайди. Театр гастролларининг биз учун жуда катта тарбия мактаби бўлишини юрагимиз билди-сезиб турибди. Биз бу гастролдан яна бир бор катта сабоқ оламиз.

Ассалом устозлар, қадамларингизга ҳасанот, хуш келибсизлар!



СУРАТДА: Москва Бадий академик театрининг асосчилари К. С. СТАНИСЛАВСКИЙ ва В. И. НЕМИРОВИЧ-ДАНЧЕНКО.

Бугун Москва Бадий академик театри пойтахтимизда ўз гастролларини бошлайди.

ХУШ КЎРДИК

М. Горький номли СССР Бадий академик театри коллективининг республикамиз пойтахтига келиб, томошабинларга маданий хизмат кўрсатмоқчи эканликларини эшитиб, беҳад қувондик. Бу хушхабар бутун заводга ёйилди.

Биз ишлаётган завод республикасининг энг кекса корхоналаридан бири. Ў Ўзбекистондагина эмас, балки Ўрта Осиёда ҳам Октябр социалистик революциясининг галабасини таъминлашда катта роль ўйнади. Ана шундай улкан, шонли тарихга эга бўлган корхонада ишлаётганликимиздан чексиз фахрланамиз.

Революция традицияларига доим содиқ бўлган заводимиз ишчи ва инженер-техник ходимлари коммунистик жамият қурилишининг улғувор планларини бажаришда катта муваффақиятларни қўлга киритиб келмоқда. Сақия олий пил онинг билан бажарилади. Ватанга пландан ташқари бир неча юз минг сўмлик маҳсулот етказиб берилади.

Москванинг устоз санъаткорлари! Биз сизларни ишлаб чиқариш соҳасида эришяётган ана шу галабаларимиз билан кутмоқдамиз.

Қардош республикалардан пойтахтимизга меҳмон бўлиб келган қўшнла дўстлар, санъаткорлар ва кино артистлари заводимиз меҳмони бўлишган. Биз уларни очик кўксга ва оқ қўлчиллик билан кутиб олганмиз, уларнинг санъатини кўриб бениҳоя қувонганмиз, дам олиб ҳордиқ чиқарганмиз. Уларнинг қимматли дурдона сўзларини эшитиб, билимизга жо қилиб олганмиз. Бу эса бизнинг амалий ишимизда ва турмушимизда айланма бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам биз сизларни соғинамиз, номларингизни фахр билан тилаб оламиз, устоз санъаткорларимиз бўлиш. Заводимиз коллективи сизлар кўрсатадиган ҳамма спектакллари кўриш ниътида.

Қадрай азиз меҳмонлар, шаҳримизга хуш келибсизлар. Бизнинг заводга ҳам марҳамат қилинлар!

Ғ. МИРЗАЕВ,
И. АЛЕШИН.

Октябр революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводининг ишчилари.

Севимли театр

— МХАТ Тошкентга келаяпти.

Кейинги кунларда икки-уч киши бир жойга тўплангудек бўлса, шу ҳақда гап кетадиган бўлди, Москвада Бадий театр постановкаларини томоша қилиш шарафига мўъассар бўлганлар эса, улкан театр артистларининг маҳорати, умри боний спектаклларининг гоёвий ўтири, бадий юксаклиги ҳақида тўққизлаб хикоя қилишди.

Мен ҳам бу завабдад театрининг муҳлисаридамман. Наҳотки, Москвага сафар қилгудек бўлсам, унинг постановаларини кўрмай қайтмаман.

Максим Горькийнинг «Душманлар», Николай Погодиннинг «Кремль курантлари» асарларини Бадий театр ижодий коллективни ижросида кўриб ҳаяжонланганман. Аниқсиз «Кремль курантлари» спектаклида баширнинг доҳиеси В. И. Ленин образини муваффақиятли яратган актрё — СССР халқ артисти Б. Смирновнинг маҳорати мени мафтун этди.

Мана, шу улкан театр ўз постановаларини бугундан бошлаб, қўшнла ўлкамиза пойтахти томошабинларига ҳам намоён қилади. Театрининг гастролга келиши ҳақидаги хабар-

ни эшитишим билан ўзимда йўқ қувондим. Кўз олдимда улуг Лениннинг ёрқин образи гавдаланди. Энди, Ленин образини — талантли санъаткор В. Смирнов ижросида ўз элимиз сахнасида ҳам миришиб томоша қиламиз.

МХАТ — совет маданиятининг кўрғини. Ўзбек санъаткорлари Бадий театрининг етук артистларидан ҳаминча намуна олдилар, ўқиб ўргандилар. Саҳнамаданиянинг ёш авлодлари ҳам жаҳон театрининг фахри К. С. Станиславский ва В. И. Немирович-Данченко мактабининг муҳлисари бўлиб қолишди.

Биз бугундан бошлаб Бадий театр постановаларини томоша қиламиз. Бу катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Саҳнамада яйранг, яшанг, катта санъаткорлар. Ўзбек томошабинлари: марҳабо, қадрдоилар, дейди сизга юракдан.

З. НУРИДИНОВ,
доцент, тарих фанлари кандидати.

Маҳоратингизга қойил

Пойтахтимизда яна санъат байрами. Мамлакатимиздагина эмас, ҳатто бутун жаҳонга таниш улкан санъаткорлар коллективни Ўзбекистонга гастролга келди.

Чиндан ҳам М. Горький номидаги Ленин орденли ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли Москва Бадий академик драма театри совет санъатининг фахри ва кўрғини.


кидир. Ижодий коллективда ишда аjoyиб талант ва ибрончилик маҳорати билан донг таратган атоқли актрёларнинг номилари ким билмайди, дейсиз. Улар эндиликда жуда кўп санъаткорларга устоз бўлиб қолдилар.

Мен севимли театримиз репертуаридаги айрим спектакллари Москвада бўлган вақтимда мароқ билан томоша қилганман. А. Чеховнинг «Олчазор» асари қанчалик маҳорат билан ижро этилса, А. Корнейчукнинг «Платон Кречет» пьесаси ҳам шунчалик томо-

шабинда кучли таассурот қолдирди.

Театр коллективининг пойтахтимизга келиши бизни беҳад хурсанд этди. Улар гастролга давомийда Ўзбек томошабинларига бир неча энг яхши асарларни намоён қилишди. Бу сахна асарларини, шубҳасиз қузуур қилиб томоша қиламиз. Ҳа, бу спектакллар замишимизга заъи қишди.

Ижодий гастролнинг муваффақиятли ўтсини, азиз санъаткорлар! Ш. ИСХОҚОВ,
Тошкент тўртинчилик инсти. тўтининг доценти.



СУРАТДА: «КРЕМЛЬ КУРАНТЛАРИ» спектаклидан бир кўриниш.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

14 СЕНТЯБРДА
ВИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 — **Сехрланган бола** (м/ф фильм), 17.50 — **Телевизион филм** лар, 18.00 — **Ленинград и** лишларига янгиликлар (хл оммабо филм), 18.20 — **Рен** ва з ёлчилар.

Узбек тилида: 18.30 — **Теле** ва хт янгиликлар, 18.40 — **Т** ва хт (телефильм), 18.50 — **Э** концерт.

Рус тилида: 19.30 — **Фан** ва нима киножурнали, 19.40 — **Ле** Утёсов (70 ёшга тўлиши музо

ти билан), 20.25 — **Уч** қават (бадрий фильм).

22.00 — **Эртаги** телеинзор 3 ннда.

22.05 — **Сўнги** янгиликлар бек, рус тилида).

23.05 — **Она**...

НАВОИИ НОМЛИ ТЕАТРД
Кремль курантлари.
ГОРЬКИЙ НОМЛИ ТЕАТРД

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦ
ЗАЛИДА — Мешчанлар.
МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТ
(қишки бино) — 11/IX да Ешл

сиёҳ.

К И Н О

ҚИШКИ БИНОДА

«Ы» операцияси ва Шурини бошиқа саргузаштлари — НАВНОМЛИ (кундуз соат 3-20 миқуданч 9 яримда).

Бонксич ва ўлим — «ЎЗБЕКТОН», «ИСКРА» (кундуз ва кечрун).

Бизнинг дунёнинг туғаш «КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечрун).

Кибалчиқчи бола ҳақида эрта «МОСВБА» (кундуз ва кечрун).

Жоду орол — (эрталаб соа
ва 11-20 минутда), Ганга ва Ҳ

минутта), Маҳаллада дув-дуви
(кундуз 5 да) — НАВОНИ ном:
Икки киши, Сузда байра
САНЪАТ САОИИ (кундуз ва
курӯн).
Қашшоқ куча — «МОСКВА»
дуз соат 4 да).
Денгиз қандай экан — «КО
МОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (эрталаб
10 да).

ЕЗГИ БИНОДА
(кеч соат 8 ғримда бошлана,
Бомсчи ва ўлими — «ФЕ

Вір марту картошка, ікки
та картошка — ПУШКИН номл
Марш! Марш! Тра-та-та! —

«Б» операциyasi ва Шурин
бoшa саргузаштлари — «1-М»
Икки мушкетёр — ТЕЛ
номли.
Бир жиноят оқибати — «У
НИК».
Ганга ва Жамна — НАВ
номли.

ДИССЕРТАЦИЯ
ЕҚЛАЙДИЛАР

Н. Я. Мильштейн — юридик факультетининг илм. совети мажлисида (Навоий 48-уй. акт зали)

Диссертация билан университет кутубхонасида таниш мумкин (Куйбишев кўча 10-уй).

соат 2 да, Тошкент давлат медицина институтида қуйидагилар медицина факультети кам

олиш учун:
Г. М. Локтенов — давол
ва стоматология факультет
рининг илмий совети мажли
да (ақт зали): «Мия шиши
витель ҳолатда бўяш (экспе

Л. А. Жураева — педиатр
факультетининг илмий сове

Диссертациялар билан ияс

мумкин (Карл Маркс кўча
103-уй).

III- **БРАШНИН?**

Адрес: Тошкент, Панада Ро
Токиа* кўчаси, 26-м

Редактор — 29004. Редактор ўринбоса — 34808. Пропаганда, адабиёт ва турмуши. Сан'ат, транспорт ва илм.

Коммутатор — 30249 дан 30258

й Комитети бирлашган нашриёти
Тошкент шоти

969. Напр. № 1845.